# KLINIK LABORATOR DIAGNOSTIKADA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH, MUAMMOLAR VA YECHIMLAR

## xalqaro ilmiy-amaliy anjuman

## 18 aprel 2023 yil

## O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi

## www.ssv.uz

## Toshkent tibbiyot akademiyasi www.tma.uz

Created with Icecream PDF Editor.
To remove this message purchase the product at www.icecream.com.

**Mazkur to‘plamda Toshkent tibbiyot akademiyasining “Klinik laborator diagnostikada innovatsion texnologiyalardan foydalanish, muammolar va yechimlar” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari kiritilgan.**

**To‘plamga kiritilgan materiallarning mazmuni va sifatiga muallif(lar) javobgar hisoblanadi.**

**Toshkent – 2023**

Icecream PDF Editor.

## Tahrir hay'ati

| | |
|---|---|
| Shadmanov Alisher Kayumovich | Rektor, Tashkiliy qo'mita raisi |
| Bobomuratov Turdiqul Akramovich | Yoshlar masalalari va ma'naviy-ma'rifiy ishlar bo'yicha prorektor |
| Boymuradov Shuxrat Abdujalilovich | O'quv ishlari bo'yicha prorektor |
| Maruf Sakirovich Karimov | Davolash ishlari bo'yicha prorektor |
| Azizova Feruza Lyutpillaeva | Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha prorektor |
| Saidov Alonur Baxtinurovich | Gematologiya, transfuziologiya va laboratoriya ishi kafedrasi mudiri |
| Babadjanova Shaira Agzamovna | Gematologiya, transfuziologiya va laboratoriya ishi kafedrasi professori |
| Kurbonova Zumrad Chutbayevna | Gematologiya, transfuziologiya va laboratoriya ishi kafedrasi dotsenti |
| Sayfutdinova Zuhra Abdurashidovna | Gematologiya, transfuziologiya va laboratoriya ishi kafedrasi katta o'qituvchisi |

## Moderatorlar

| | |
|---|---|
| Kurbonova Zumrad Chutbayevna | Gematologiya, transfuziologiya va laboratoriya ishi kafedrasi dotsenti |
| Sayfutdinova Zuhra Abdurashidovna | Gematologiya, transfuziologiya va laboratoriya ishi kafedrasi katta o'qituvchisi |

Icecream PDF Editor.

## CONTENTS MUNDARIJA СОДЕРЖАНИЕ


| | |
|---|---|
| **Абдуллаева М.И., Иноятова Ф.Х., Нарбутаева Д., Ахматова К., Алимов С.** Алкоголли ёғли гепатозда биокимёвий кўрсаткичларнинг ўзгаришларини коррекциялаш ..... | **19** |
| **Абдухалилов Ф.Ш., Умурзакова Р.З.** Сурункали буйрак касаллигида лаборатор кўрсаткичларнинг ўзгариши..... | **20** |
| **Адилова Н.Ш., Шагазатова Б.Х.** Состояние эндотелиальной дисфункции после бариатрической операции …….. | **22** |
| **Айбергенова Х.Ш., Умарова З.Ф., Жабборов О.О., Жуманазаров С.Б.** Сурункали буйрак касаллиги билан оғриган беморларда камқонликни ҳудудга боғлиқ хусусиятлари ..... | **23** |
| **Айтмуратова У.Б.** Клиническое значения хромогранина а в лабораторной диагностике нейроэндокринных опухолей …… | **25** |
| **Алимов Т.Р., Шевченко Л.И.** Эффективность применения нового отечественного кровезаменителя антиоксидантного действия в травматологии …….. | **27** |
| **Ассесорова Ю.Ю., Касимова С.А., Бабаджанова Ш.А.** Проведение флюоресцентной гибридизации in situ (fish) у больных острым лимфобластным лейкозом …… | **29** |
| **Ассесорова Ю.Ю., Касимова С.А., Бабаджанова Ш.А.** Цитогенетические исследования у больных острым лимфобластным лейкозом …… | **31** |
| **Атабаев С.Н.** Замонавий тиббиётда клиник лабаратор инновацияларнинг аҳамияти …… | **33** |
| **Ахмедова Н.Ш., Сулаймонова Г.Т., Шадыева Н.Ш.** Изучение лабораторных показателей функционального резерва почек при сопутствующем состоянии гипертонии с сахарным диабетом ……. | **34** |
| **Бабаджанова Ш.А., Курбанова Г.Ч**. Нарушение обмена железа у больных с диффузно-токсическим зобом …… | **36** |
| **Бабаев Х.Н., Омонов Ш.Р.** COVID-19 да ошқозон-ичак тракти ……. | **38** |
| **Базарова Г.Р., Неъматов А.С.** Ажратилган қўзғатувчиларни назорат қилиш тизими ..... | **41** |
| **Батырова Г.А., Таскожина Г.Е., Серикбаева Н.Р., Умарова Г.А.** Оценка содержания кальция методом масс-спектрометрии у подростков западного региона Республики Казахстан …….. | **43** |
| **Бобожонова О.Ш., Курбонова З.Ч.** Папаниколау усулида тўқ бўялган ядро рангини очартириш ..... | **44** |
| **Бобожонова Ш.Ш., Топилов И.И., Мардонов Ж.Н.** Композит қопланган янги тўр шаклидаги имплантатнинг ўткир ва сурункали токсиклигини ўрганиш ..... | **46** |
| **Дилмуродова О.** Биокимёвий қон текширувининг диагностик аҳамияти …… | **48** |
| **Дилмуродова О., Дилмуродова М., Шайкулов Ҳ.Ш.** Пешобдаги | **50** |


Icecream PDF Editor.

# АЛКОГОЛЛИ ЁҒЛИ ГЕПАТОЗДА БИОКИМЁВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ ЎЗГАРИШЛАРИНИ КОРРЕКЦИЯЛАШ

**Абдуллаева М.И., Иноятова Ф.Х., Нарбутаева Д., Ахматова К., Алимов С.**
**Тошкент тиббиёт академияси**

Сўнгги йилларда ёғли гепатоз жигар касалликлари орасида етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда.Жигар касалликларини самарали даволаш мақсадида янги гепатопротекторларни яратиш ва уларни фаоллигини ўрганиш долзарб масалалардан биридир.

**Мақсад***:* Алкоголли ёғли гепатозда биокимёвий кўрсаткичларга маҳаллий ўсимликлардан ажратиб олинган янги геранил моддасининг таъсирини аниқлаш .

**Материал ва усуллар***:* Тадқиқотда мақсадга эришиш учун каламушларга этанолнинг 25% ли эритмасини 10 мл/кг миқдорда юбориш билан 28 кун мобайнида сурункали алкоголдан захарланиш моделлаштирилди. 21-кундан бошлаб гуруҳларга ажратилиб, 7 кун мобайнида 100 мг/кг миқдорда геранил моддаси ва қиёсий препарат сифатида карсил юборилди. Қон зардобида АлТ, АсТ, ГГТ, ИФ фаоллиги аниқланди.

**Натижалар***:* Ўтказилган тадқиқотларимиз натижалари этанол таъсирида гепатоцитлар мембранаси бутунлигини бузилиши ва жигар ферментларининг қон зардобида ортишини кўрсатди. Маълумки, АЛТ ва АСТ фаоллиги жигар касалликлари ташхисида жуда муҳим кўрсаткичлар ҳисобланади. Трансаминазалар фаоллиги 28-кунга келиб ишончли ортди. АлТ ферменти фаоллиги интакт каламушлар кўрсаткичларига нисбатан 1,86 марта ортган бўлса, АсТ фаоллигининг ортиши 1,73 мартани ташкил этди. ГГТ ферментининг фаоллиги ушбу гурух каламушларда 4,7 марта ортганлиги кўришимиз мумкин. Ишқорий фосфатазанинг фаоллиги бошқа ферментлар фаоллигига нисбатан камроқ даражада 1,2 марта ортганлиги аниқланди.

Этанол метаболизми натижасида митохондрия ва ҳужайра мембранасини шикастловчи кислороднинг реактив шакллари ҳосил бўлади. Бу эса трансаминазаларни қонга чиқишига ва қонда трансаминазалар фаоллигининг ортишига сабаб бўлади [1].

Гепатоцитлар ҳажмининг катталашиши ўт йўлларинг беркилиши ва ҳужайра ичи холестаз синдромининг пайдо бўлишига олиб келади. Бу ҳолат қонда экскретор ферментларнинг миқдорини ортиши билан кечади. Ишқорий фосфатаза ферменти бир қанча тўқималарда учрайди ва унинг қонда миқдорининг ортиши жигарда экскреция жараёни бузилишидан далолат беради. Олинган натижалар адабиётларда келтирилган жигарнинг токсик зарарланиши ГГТ ферментининг ишончли ортиши, ИФ нинг эса нисбий ортиши ҳақидаги маълумотлари билан мос келади [2].

Этанол билан сурункали заҳарланган ҳайвонларга карсил ва айниқса янги проантоцианидинли моддани киритилиши ферментлар фаоллиги даволанмаган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан камайганлиги кузатилди. Ушбу гуруҳ каламушларда ферментлар фаоллиги интакт каламушлар гуруҳи

Created in Master PDF Editor. Icecream PDF Editor. PRO

кўрсаткичларига яқинлашди. Проантоцианидинлар қабул қилган каламушлар гуруҳида даволанмаган гурух кўрсаткичларига нисбатан АлТ фаоллиги 46,4 % га, АсТ - 41,3% га, ГГТ - 81 % га, ишқорий фосфатаза 20 % га камайганлиги аниқланди. Карсил билан даволанган гурухларда АлТ, АсТ, ГГТ ва ишқорий фосфатаза фаоллиги мос равишда 36,6 %; 35,7 %; 62% ва 16,5% га камайди.

**Хулоса***:*Шундай қилиб, этанол билан захарланишда жигарнинг экскретор ва индикатор ферментлари фаоллиги кўрсаткичлари ҳам гепатоцитларнинг ташқи мембранаси, ҳам митохондрия ва цитоплазма компонентларининг шикастланишидан далолат беради. Маҳаллий ўсимликлардан олинган геранил моддаси ушбу шикастланиш белгиларини сезиларли сусайтирди.

**Адабиётлар.**

1. Ch. Li.,L. Li., Ch-f. Yang., Y-j. Zhong., D. Wu., L. Shi., L. Chen., Y-w. Li. Hepatoprotective effects of Methyl ferulic acid on alcohol-induced liver oxidative injury in mice by inhibiting the NOX4/ROS-MAPK pathway // Biochemical and Biophysical Research Communications. – 2017. – V.493. – P.277-285, www.elsevier.com/locate/ybbrc.

2. Ткачук В.А. Клиническая биохимия // Учебное пособие. – М.2004. – С. 361-371.

## СУРУНКАЛИ БУЙРАК КАСАЛЛИГИДА ЛАБОРАТОР КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ ЎЗГАРИШИ

**Абдухалилов Ф.Ш., Умурзакова Р.З**
**Андижон давлат тиббиёт институти**

Сурункали буйрак касаллиги беморларда буйрак фаолиятини бузилиши ва буйрак фаолияти кўрсаткичлари бўлган қондаги мочевина ва креатинин микдорини ошиши, сийдик таркибида оқсил микдорини ошиши хамда КФТ (Коптокча Филтрация Тезлиги) нинг пасайиб кетиши билан кечадиган касалликдир.

**Калит сўзлар:** Сурункали буйрак касаллиги ( СБК ), мочевина, креатинин, оқсил, КФТ.

Сурункали буйрак касалликлари бутун дунёдаги каби Ўзбекистонда хам долзарб муаммолардан бири бўлиб ўлим кўрсаткичининг юқорилиги,молиявий харажати катталиги билан ижтимоий ахамиятга эга касалликлар қаторига киради. Асосан мехнатга лаёқатли ахоли орасида кенг тарқалган. Унинг авж олиши терминал буйрак етишмовчилиги ривожланиши билан боғлиқ. Бу касаллик кўпинча ўз вақтида ташхисланмайди ва охиригача даволанмайди. Шунинг учун букасалликка “яширин қотил” ибораси ишлатилади. (Ўзбекистон Республикаси статистика хисоботи 2021).Охирги 25 йил ичида сурункали буйрак касалликларидан ўлим холати 135 фоизга ошган. (Ўзбекистон Республикаси статистика хисоботи 2021).

Created with Icecream PDF Editor. PRO